

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 йил 1 июлдан • № 98 (5. 989) • 1986 йил 28 апрель, душанба • Баҳоси 3 тиниш.



МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— 1 МАЙ БАЙРАМИГА!

Курувчилар! Тежамли, сифатли, пишиқ-пухта, замонавий техника асосида қурингиз!
Корхоналарни реконструкция қилиш, янги объектларни барпо этиш муддатларини қисқартирингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Қақриқларидан).

Қурилиш майдонларида

Пешқадам бригада

Аҳолининг турар-жойларга бўлган эҳтиёжи кундан кунга ортиб бормоқда. Шунинг ҳисобига олиб шаҳарнинг турли чеккаларида қўлаб замонавий 9 қаватли турар жой бинолари қуришмоқда. Шаҳримизнинг «Марказ» — 17 ва «Марказ» — 18 кварталларида 578 квартираларни ишқига тўққиз қаватли турар жой биноси қад рост-лайпти.

2-ўйсозлик комбинатининг 4-қурилиш бошқармаси қурувчилари бўёқдорлик ишларини олиб бораётган ҳар икка-ла бинодо қурилиш жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Бинолардан бири 272 квартиралар бўлиб, унинг 81 оилага мўлжалланган қисми фойдаланишга топширилди. Қолган қисмида эса монтаж ишлари олиб боришмоқда. Бинони тиклашда илғор қурилиш методларидан самарали фойдаланаётган ёрдамчи пудратчи 2-ўйсозлик комбинати 3 ва 4-қурилиш монтаж бошқармаларининг қурувчилари иш сифатига ҳам катта эътибор беришмоқда.

Қурилиш материаллари объектга ўз вақтида олиб келинмоқда. Бинодо қурилиш-монтаж ишларини эса А. Кашенко бошлиқ комплекс бригадаси олиб бормоқда. — дейди биз билан суҳбатда бош пудратчилар прораби В. Иванов. — Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Марказ» — 17 ва «Марказ» — 18 да қурилаётган 9 қаватли биноларнинг ҳаммасини шу Кашенко бошлиқ комплекс бригада аъзолари қуришмоқда.

А. Кашенко бош бўлган қурувчилар қураётган 9 қаватли 306 квартиралар бинодо монтаж ишлари олиб борилаётган. Бу коллектив А. Пименов бошлиқ бригада аъзолари билан мусобақадор. Биринчи квартал якунига кўра А. Кашенко бошлиқ бригада олдинда бормоқда.

Иш бригада пудрати асосида ташкил қилинган. Шунинг учун бригаданида меҳнат интизоми яхши, иш унуми эса ортиб бормоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Шаҳар индустрияси рапорти

Тўрт ойлик план бажарилди



Ўзбекистон пойтахти саноати тоғи маҳсулотини реализация қилиш ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик плани бажарилди.

Биринчи Май байрамига ўз меҳнат зафарларини бағишлаётган тошкентликлар самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси учун, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишда тўб бурилишни таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашни тобора кучайтиришмоқда.

Биринчи Май байрами шарафига социалистик мусобақани қизитган ва шаҳарда биринчилардан бўлиб планини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапортга имзо чеккан Ҳамза, Қўйбешев, Чилонзор, Сергелди, Акмал Икромов, Киров районлари саноатчиларининг фидокорликлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация, «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи», «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Компрессор», «Ўзбексельмаш», тепловоз ремонт заводалари, «Ташсантавтомонтаж» трести ва бошқа меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

Шаҳар саноати ой охиригача республика ва мамлакат халқ ҳўжалигига планга қўшимча равишда ўнларча миллион сўмлик машинасозлик, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат қурилиш индустрияси маҳсулотларини, кенг истеъмол буюмларини етказиб беради.

Конструкторлар кучи билан

Фан-техника тараққиёти жадал амалга оширилаётган ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш жараёнларини меҳнат-инженерларнинг алоҳида аҳамият касбига эга бўлиши шарт. Кенгайтирилган «Компрессор» заводи ҳам қатор техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Корхонада галла, озиқ-овқат ва шу кабиларни герметик транспортировка қилишга мослаштирилган компрессор яратилди. Унинг тажриба-саноат намуналарини синаб қўриш ишлари эса низоҳисига етаётган деб қолди.

Шу билан бирга завод янги винтил компрессор яратишга ҳам киришади. Бу янгилик билан боғлиқ техника индустриясининг эса корхона мутахассислари ўз зиммаларига олишди. Яқинда бўлиб ўтган техника кенгаши йиллиги завод конструкторлик бўлимининг ана шу соҳадаги вазибаларини белгилаб берди.

Шахсий план асосида

Жонажон партияизмининг XXVII съезди қарорлари юзасидан иқтисодий таълим системаси бўйича бир қатор янги мавзулар ўрганилмоқда. Курс программаси тингловчиларга мазмунли, қизиқ қарил қилиб ўтказилапти. «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида пропаганда-агитациянинг шахсий ижодий плани асосида машғулотлар ўтказиш яхши натижа бераётган. Моҳир пропагандист А. Артёмовнинг куюв ҳеҳида ташкил этилаётган бу хил машғулотлари корхона партия комитети томонидан ижобий баҳолабди.

Маълумки, бу ерда социалистик экономика мактабида «Пахтачилик машинасозлиги» экономикасининг актуал масалалари» курси бўйича машғулотлар олиб боришмоқда. Пропагандист А. Артёмов тузган шахсий ижодий план тўрт бўлимдан иборат. Бу тингловчиларнинг назарий билимларини ошириш билан бирга уларнинг меҳнат активлигини ўстиришга ҳам самарали таъсир кўрсатилди.

Ижодий планда пех ишчи-хизматчилари тарбиясига комплекс ёндашиш, машғулотлари корхона ва ҳеч-қандай фаолияти билан боғлаш масалалари ҳам ўз аксини топади.

Ишлаб чиқариш такомиллашмоқда

Амалий санъат экспериментал ижодий комбинатининг ишлаб чиқариш участкалари бу йилдан бошлаб мамлакатимизда тайёрланган янги усуллардан билан жиҳозланади. Ҳозирдаёқ Ленинград мутахассислари тайёрлаган юксак унумли қопламаш дастурхон қорхонага келтирилди. Қопламаш ишлари механизацияси воситалари зиммасига юклар маҳсулот сифатини ошириш ва унинг ассортиментини кенгайтириш имконини беради.

Биринчи кварталда ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли урдаланган комбинат коллективи меҳнаткашларини халқаро бирдамлик байрами Биринчи Майни беш ойлик топшириқларини муддатидан илгари бажариш билан қутиб олиш ҳақида қарор қилди.

Корхона мутахассислари шу кунларда яна бир маъсулиятли буюртма устида ишламоқдалар. У Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда бўлиб ўтган IX халқаро кино-фестивалига аталган совлардир. Улар пойтахтимизнинг Санъат саройи фойдалари керамикадан ишланган бадиий манзарали буюмлар билан безамоқдалар.

Замондошимиз



Республикамиз пойтахти Тошкент чиройи кун сайин очилиб борапти. Унинг янги-янги қуриладиган катта ва раво кўчаларини муҳташам бинолар беэади. Шаҳарда замонавий услубда қурилган, ҳар томонлама қўлай ва шинам турар жой массивлари бунёд этилди. Кейинги йилгача йил мобайнида амалга оширилган бу катта ишларда кўплар қатори коммунист Муҳаммаджон Холматовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У мана 13 йилдирки, «Главташкентстройининг» транспорт бошқармасига қарашли 1-автокорхонада меҳнат қиладиган. Унинг техника сирларини пухта эгаллаганлигига, зиммасидаги вазибига ҳалол муносабатда бўлишига кўпчилик тан беради.

Илғор ҳайдовчи автомобилда юк ташини бўйича белгиланган йил биринчи беш йиллик топширигини муддатидан илгари бажарганди. Ун иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳам жадал суръат билан меҳнат қилмоқда. Ҳалол меҳнат Муҳаммаджон Холматовга яхши обрў-этибор келтирмоқда. У автотранспорт ҳодимлари учун бериладиган Тошкент область нуқсоноти лауреати бўлди. Чилонзор район партия комитетининг аъзоси этиб сайланган.

Т. Каримов фотоси.

Санъат оламида

Экранда — ишчи ҳаёти

Шу кунларда кино ижодкорлар завод ва фабрикаларда бўлиб, техникани такомиллаштириш йўлида қилинаётган қизикarli ишларини лентига муҳрамоқдалар.

Бунга мисол қилиб Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида ишланган режиссёр Н. Азимовнинг Чирчиқ трансформатор заводи ҳақида ҳикоя қилувчи «Ишчи қиммати» номли картинасини ҳамда пойтахти-мидаги трактор заводида ишчи меҳнатининг енгиллаштириш бўйича қилинаётган улкан ишлар тўғрисида режиссёр Ю. Собитовнинг «XII беш йилликнинг биринчи йили» номли фильмини айтиш мумкин.

Киноҳужжатчи Е. Музаффаровнинг «Қанотлар остида инсон портрети» номли янги картинаси ҳам худди шундай фильмлар сирасига кирибди. Бу гал киноижодкорлар томошабинин республикамизнинг энг илғор корхоналаридан бири ҳисобланган Чкалов номидаги авиация бирлашмаси меҳнаткашлари билан таништирадилар.

Фильм авторлари томошабинларни бирлашмадаги ажойиб янгиликлар билан шу корхонанинг билимдон, эътиборли ишчилари орқали таништиришмоқда. Улардан бири спесар-йигувчилар бригадаси бошлиғи, «Хурмат белгиси» ордени кавалери, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди делегати Валерий Иванович Кышченкодир.

В. И. Кышченко тимсолида фильм авторлари замонавий совет ишчисининг яшаш тарзи, унинг орзу-умидлари, кундалик ташвишлари ҳақида ҳикоя қилишган.

«Қанотлар остида инсон портрети» номли картина авторлари даврийнинг шу сингарди долзарб муаммолари ҳақида мароқли ҳикоя қилишган.

М. ИБРОҲИМОВА.

Театр-студия спектакллари

«Оптимист» театр-студияси истеъдодли ёшларнинг севилими машғулот масканига айланиб қолди. Унинг Тошкентдаги тўққизинчи маданият саройида фаолият кўрсата бошлаганига ўн йилдан ошди. Бундан беш йил муқаддам эса ижодкор ёшлар коллективига халқ театр-студияси деган фахрли ном берилди.

Ҳаваскор ёш актёрлар саҳналаштирган спектаклларда муҳим тарбиявий масалалар кўтарилган. «Туртинчи» деб номланган постановка эса ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига бағишланган.

Болалар нигоҳи билан

Халқлар дўстлиги мадҳи

Қардош Литва республикасидаги Каунас шаҳри катталари жиҳатидан республикада иккинчи шаҳар ҳисобланади. Бу ерда «СССР халқлари дўстлиги» муштаҳамлаверсини ва гуллаб-ғаллашсини деган ном остида янги кўргазма ташкил этилди. Каунас шаҳрининг Икстуце кўчасида ташкил этилган, расом П. Мацвинович лойиҳаси асосида тайёрланган бадиий, безаним кўргазма мамлакатимизнинг барча иттифоқчи ўн беш республикасида бағишланган бўлиб, стемдлар ўзига хос композицияда ишланган.

Республикада навад герби билан бошланган Ўзбекистон ССР экспозицияси ўзбек халқининг экономика, фан, маданият соҳасида эришган ютуқлари, ўзбек ва латвис халқларининг дўстлик алоқалари ҳақида ҳикоя қиладиган. Бу кўргазма домий бўлиб, унинг экспонатлари вақти-вақти билан янгиланиб туради.

Корхона ишчиларини фарзандлари Михаил Калинин, Марат Ҳақназаров, Сергей Румшевич, Евгений Муравьев, Зарина Хайриддинова, Гўзал Бекбосовалар чизган расмлар томоша бинда яхши таассурот қолдиради.

Б. ОРИПОВ.

Тинчлик ва қардошлик тилида

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида бўлиб ўтган интернационал урғуларда тарбиямоннинг ҳождати бўлган. СССР билан дўстлик жамиятининг активлари — Москвадаги А. С. Пушкин номи рус тили институтида таълим олаётган чет эллик студентлар ёш ишчилар, шоирлар, композиторларнинг, Тошкент студентларининг меҳмони бўлишмоқда. Совет ҳукуматининг тинчлик ташаббуслари тенгдошлар сўхбатининг асосий мавзуси бўлди.

— Биз музокараларни яна бошлаш, ядро қурулини тўла ва бутунлай тақиқлаш тарафдоримиз, — деди Сорбонна университетининг студенти Софи Луазо. — Совет кишилари билан урғулар эканам, барча мамлакатларнинг халқлари каби бизнинг халқимиз ҳам урғулар хоҳламлигини қўриб турибман.

— Сиёсий қарашлари қандайлигини қараш назар бўлган ҳар бир софид киши тинч келажак учун курашни ўз бурчи деб ҳисоблайди, — дед қуватлади парижлик студент қизининг Мадридаги чет

тиллар институти студенти Эухенио Санчес. — Мен рус тилини ўрганишман, чунки бу тил тинчлик ва дўстлик тилидир.

Республика бўйлаб бир ҳафталик сафар чет эллик студентлар учун мамлакатимизнинг дурсига айланди. Улар саноат корхоналарида ишчилар билан, Тошкент, Фарғона, Самарқанддаги ижодкор ёшлар ва ўқувчилар билан урғуларда бўладилар, тарихий жойларга сефар қиладилар.

(ЎЗАТ).



СУРАТДА: А. Кашенко бошлиқ бригада монтаж қилаётган 272 квартиралар уйнинг ҳозирги кўриниши. Автор фотоси.

Беминнат хизмат

Меҳнаткашларнинг иш вақтини тежаш ва уларга қўлайли яратиш бериш мақсадида Тошкент абразив комбинатида савдо хизмати кўрсатишнинг қатор илғор усуллари жорий этилди. Корхона ошхонаси коллективни ташаббус билан эса беминнат хизмат бюроси очилди.

Бюро буюртмалар бўйича алоҳида дафтар ташкил қилди. Унга ишчи ва хизматчилар илтимосига кўра ярим масаллиқ ва кулинария-кондитер маҳсулотлари ёзиб берилади.

Бунинг учун корхона радиоузели орқали тайёрлаб берилган буюртмалар бўйича қандай маҳсулотлар олинганлиги маълум қилинади. Цехлардан туриб бюрга телефон орқали мурожаат этилади. Буюртмаларни қабул қилиш мақсадида бир навбатчи ва бухгалтерия аппарати ажратилди.

Айрилган маҳсулотлар ҳисоб-китоб қилиниб, тайёрлаб қўйилади. Иш туташин олтидан улар цехларга махсус ўтатилганда етказиб берилади.

Бу ибратли тадбирдан завод коллективи жуда мамнун.

РАБОТ

Шу ҳафтанинг бошларида Марокашнинг Фес шаҳрида араб мамлакатлари давлатлари ва ҳукуматлари бошқарувидаги факултетида кенгаши очилиши бу ерда расмий равишда эълон қилинди.

Кенгаш Америка авиацияси Ливиянинг Триполи ва Бенгази шаҳарларини ваҳишона бомбардировка қилгандан кейин араблар дўшадиган аҳолини муҳофама этиш учун Ливиянинг илтимосига кўра қақрилоқда МАП агентлиги олий даражадаги бўлажак учурушувда Яқин Шарқнинг энг муҳим проблемалари, шунингдек вужудга келган мураккаб шароитда араблар сафларини жиқлаштириш йўллари ва воситалари муҳофама қилинаётганини ўқитиб ўтади.

КОБУЛ

АДР тинчлик, бирдамлик ва дўстлик ташкилотининг таклифига биноан Апрель революциясининг 8 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун Буюк Британия лейбористлар партиясининг делегацияси бу ерга келиди. Делегацияни АДР кишилик кенгашининг расми А. Р. Отиф қабул қилиб, Афғонистоннинг инқилобдан кейинги даврда ривожланиши тўғрисида гапириб берди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Англия делегациясининг аъзолари Баграми уезида (Кобул вилояти) АҚШнинг Ливияга агрессия қилганлигига қарши норозилик митингига қатнашдилар. Лейбористлар парламентдаги депутаты Г. Козин митингга сўзга чиқиб, Америка авиациясининг Ливия шаҳарларига ҳужум қилганлигини қатъиян қоралади ва жаҳонда ўзинишга ҳуқуқдорлигини таъминлашга уриноватган Вашингтоннинг динийон сўбасини кескин танқид қилди.

БАЙРУТ

25 апрель тунда Байрутда Ливиянинг муҳолиф гуруҳлари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди.

Пойтахтнинг жанубий чеккасиданги бир қанча уй-жой кварталлари ўққа тутилди. Байрут радиосининг хабар беришича, бир неча киши ўлдирилган, ўнлаб кишилар жараҳатланган.

Фақатгина кетма-кет олиб борилган мулоқотлар натижасида ўт очилиши тўхтатиш тўғрисидаги битимга амал қилинди. Юқори Метининг тоғли районидан ҳам тўқнашувлар бўлди.

ЛУАНДА

Ангола Халқ озодлик қурулли кучлари АҚШ марказий разведка бошқармаси ва ирқчи Жанубий Африка Республикаси қарамонидан Уинта террорчи гуруҳи шайқалларига қарши муваффақиятли жанг қилмоқдалар.

Миллий радионинг хабар беришича, кейинги кунларда Мошико ва Уамбо вилоятларида Ангола армиясининг қисмлари ва бўлинмалари 108 та газандани қўриб ташладилар, қўлаб миқдорда кетма-кет олиб борилган мулоқотлар натижасида ўт очилиши тўхтатиш тўғрисидаги битимга амал қилинди. Юқори Метининг тоғли районидан ҳам тўқнашувлар бўлди.

Кўнгирқоқ Уинта гуруҳи калла-кесарларини тор-мор қилишда халқ сергаллиги бригадалари ҳамда халқ мудофая ташкилотли бошқармаси ва территориял қўшинларнинг аъзолари фаол иштирок этмоқдалар.

(ТАСС).

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

ХАРТУМ

Судан пойтахтида граждан ҳукумати тузиш мақсадида партиялар билан жамоат ташкилотлари раҳбарлари ўртасида сиёсий масалалар шувлар ва музокаралар давом этмоқда.

Маълумки, 1 апрелдан 12 апрелгача Суданда таъсис мажлисида умумий сайлов бўлиб ўтди. Сайлов давомида «Ал-Умма» партияси энг кўп ўринни олди. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида партия раҳбари С. Ал-Маҳди «Ал-Умма» партияси таклиф этган сиёсий ҳаракат программаси асосида коалицион ҳукумат тузиш юзасини ўртага қўйди. Нимейрининг ағдариб ташланган режими ҳуқуқронлиги оқибатларини тутатиш партия программасининг асосий мақсадларидан биридир, деди С. Ал-Маҳди.

ПАШИНГТОН

Пентагон денгизга жойлаштирилиб ердаги нишонни мўлжалла олувчи «Томогави» қанотли ракетасини биринчи марта синаб кўрди. Ҳарбий маҳкам вакилининг хабар беришича, ядросиз каллаклар билан қанотли ракета 1 апрель кунини Тинч океанда юк ортилган ҳолатда турган ва 474 миля олмасидан нишонини мўлжалла олган сув ости кемаси бортдан учирилди. Калифорния штатининг жаҳу-бий соҳилдаги Санклемет оролтида самолёт нишонига олинган эди. Ракета соатига 550 миля тезликда нишонга яқинлашиб келди ва у сал кам 30 метр баланликда нишон самолёт устидан учиб ўтганда портлади. Пентагон вакилининг айтишича, «нишон йўқ қилинди».

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

...ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ РОЛИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ОШИРИШ ВАЗИФАСИ КУНДАЛАНГ БУЛИБ ТУРАДИ. БУ ИШНИ БИРОР БОШҚА ОДАМ ҚИЛСИН, ДЕБ ТАШЛАБ ҚУЙИШ БИЗ, КОММУНИСТЛАРГА ЯРАШМАЙДИ... КАМЧИЛИКЛАР ВА ИЛЛАТЛАРНИ КҮРИШ, УЛАРНИ ҚОРАЛАШНИНГ ҲАҚИҚАТИ ҚИЛМАЙДИ, БУ ИЛЛАТЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР БУЛМАСЛИГИ УЧУН ҲАММА ЧОРАЛАРНИ КҮРИШ КЕРАК. КОММУНИСТНИНГ АВАНГАРДЛИК РОЛИ УМУМИЙ ҒАП ЭМАС, БУ НАРСА АМАЛИЙ ИШЛАРДА ИФОДАЛОНАДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сисей докладыдан).

Партия турмуши: съезд белгиланган йўлдан

Давр тақозоси

КПСС XXVII съезди жамиятдаги ўзгаришларни йўлдан белгилаб берди. Бугунги кунда «Средств электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коммуналари, барча меҳнатчилари ана шу асосда ўзларидики мавжуд камчилик ва нуқсонларни очиб

ташламоқдалар. Съезд ўтгандан буён нимадир қилинди? Ана шу саволга ҳар бир меҳнат коллективи, коммунист жавоб беришга интиломоқда.

Маълумки, корхона 1984 йилдан иқтисодий эксперимент шартларида иш олиб бораётган. Бу юмларни етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация курсаткиларини яхшилаш билан ушунга энг муҳим ме-

зор ҳисобланади. 1986 йилнинг биринчи кварталда эса бирлашмага қарашли бирорта ҳам корхона маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация планини бажармади. Бунинг устига цехларни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш планлари ҳам бажарилмади. Инги техникани жорий этиш борасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Хўш, бу нуқсонларнинг сабаби нимада? Биз электр монтажчи, КПСС XXVII съезди делегати Л. Валетова сўзларини келтириб ўтмоқчимиз.

— Партия XXVII съезди жуда ишчанлик ва талабчанлик руҳида ўтди. — деб сўз бошлади у. — Агар ана шу талаблар нуқтан назаридан ишнинг баҳо берсак, цехларда ишлаб чиқаришни ташкил этишни кескин танқид қилолмоқчиман. Бизда хайбаракатчилик авж олган. Бироқ, корхона партия комитети бу масалаларга етарлича эътибор бермаган.

Бош корхонада фан-техника тараққиёти ютуқлари бўш жорий этилган. Бирлашманинг лойиҳалаш бюроси ишга ҳам жиддий эътироз билдириш мумкин. Мега шундай бўлган? Чунки партия комитети ишлаб чиқариш масалалари муҳиятига

қўқур кириб бормаётган. Ингилишларда бу масалалар муҳокама этилмайпти, деб бўлмайди, албатта. Бироқ, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратнинг бўлиши оқибатида цех партия ташкилотлари ва раҳбарларнинг масъулияти па- сайиб кетмоқда.

Коммунист Л. Валетова ҳақ сўзларини айтди. Бу ерда айрим цехларда хотир- жамликка берилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Масалан, бош корхонанинг ремонт-механика цехи партия ташкилотининг секретари П. Скрипкин билан суҳбатлашганимизда:

— Бизда ҳеч қандай про- гулла йўқ, — деди. — Ишдаги баъзи камчиликларга келсак, бу кадрлар этиш- маётганлиги учун содир бўл- япти...

Холбуки, бу цех завод эъ- тиёжларини қондирилма- ёптир. Цех партия ташкилоти иш услуби ва методларини ўзгартириш, сўзд қўйган талаблар асосида иш олиб бориши керак.

Баъзи цех партия ташки- лотининг етакчилари бевоси- та ўз олдидан турган вазифа- ларини чуқур ҳис этмайдилар. Хўш, нега шундай? Чунки цех партия ташкилот- ларининг секретарлари би- лан етарлича иш олиб бо- рилмаётган. Энг аввало улар-

ни ўз ишга танқидий қараш руҳида тарбиялаш зарур. Яна бир нарс ҳақида ай- тиб ўтмоқчимиз. Цех партия ташкилотлари секретариари- нинг кўпчилиги камчилик, нуқсонлар ҳақида гапиринса ҳам буларни бартараф этиш бўйича қандай амалий тад- бирлар кўришганини ҳақида индамайди, ўз тақлифла- рини айтмайди.


КПСС Марказий Комите- тининг партия XXVII съез- дида Сисей докладыда пар- тия ташкилотларининг роли ва ўрнига катта эътибор бе- рилди.

«Средств электро- аппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг баъзи цех партия ташкилотлари жан- говар руҳида иш олиб бориб ишлаб чиқариш масалалари- га чуқур кириб бора. ана шундангина кўнглидагидек на- тижаларга эришиш мумкин. Бунинг корхона коммуналари КПСС XXVII съезди қарор- лари асосида партия ташки- лотларининг вазифаларига бағишлаб ўтказилган Инги- лишларда ҳам алоҳида таъ- кидландилар. Ўйлашимизки, корхона партия комитети цех партия ташкилотлари- нинг жанговарлик ролини оширишга, улар иш услуби ва методларини ўзгартириш- га эътиборни қаратади. Чун- ки бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

А. БУРОНОВ.



Абразив комбинатида ўз касбига меҳр қўйган ишчилар кўплат топилди. Улардан бири суратда кўриб турган Светлана Иброҳимовадир. Коммунист меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлган бу илгор тоқар 16 йилдан бери шу корхонада самарали меҳнат қилиб келади. У тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан коллектив ўртасида шухрат қозонган. Кунлик план-топириқларини 130—140 процента етказиб оид эътабдан бу ишни ёшлар- нинг меҳрибон мурабийси ҳамдир.



ВАТАНПАРВАР

Ҳамиша сафда

Чирқиди танкичлар билим юртининг курсантлари кечки йўқламини ўтказиш учун майдончага сафлангиди. Старшина йўқлама қила бошлади:

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардиячи лейтенант Вальде- мар Шаландин!

Шаландин ўнг қанотида турган курсант жавоб берди:

— Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардиячи лейтенант Вальде- мар Шаландин социалистик Ватан озодлиги ва мустақил- лиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган...

...Вальдемар ўрта мактабнинг ўнинчи синфида ўқиб юрган кезларда она-Ватанимиз тақдирини, халқимиз тақдирини жанг майдонларида ҳал бўлаётган. Кексаю ёшининг фикри-хаёли она-Ватанин ҳимоя қилишга қаратилган эди. Вальдемар фронт- га танкич бўлиб боришни, душманга қарши мардонавор жанг қилишни орзу қилди. Ўрта мактабни тугатиши билан танкич- лар билим юртига ўқишга кирди. 1943 йилда уни муваффа- қиятли тугатган Вальдемар Шаландин фронтга йўл олди. У урушнинг дастлабки кунларидаёқ бутун фронт бўйлаб донг таратган 1-гвардиячи танк бригадаси қисмига тушди. Вальде- мар ўзининг билимдонлиги, интизомлилиги билан ўзи хизмат қилаётган ротадаги барча экипаж аъзолари ҳурматини қозон- ди. Фронтда бўлса-да, у ҳарбий санъат ва жанговар техника сирларини ўргатган севиқли билим юртини унутмади. Вальде- мар устозларига қайноқ қалб сўзлари битилган мактублар йўлларди.

Мана унинг жонажон мактабига — взвод командири номига йўллаган сўнгги хати:

«Салом ўртоқ лейтенант!»

Собиқ ўқувчинининг самимий саломини қабул этинг. Билим юртини битирганимизга ҳам анча вақт бўлиб қолди. Тўрт ойдан буён фронтдан. Мактабдош дўстларим Кара- мовин, Соколов, Литвинов, Малороссинов, Чернов, Попов- лар билан бирга хизмат қилаётганман. Сизни интизириб ай- таманки, биз гвардиячи деган номга муносиб бўламиз. Не- миш-фашист босқинчиларини аёвсиз қиринишга сўз бераман. Ленин орденли танкичлар мактабларининг шонли аъзолари билан давом эттиришга қасамд қиламан.

Гвардиячи лейтенант В. Шаландин.

Ҳақиқатан ҳам Вальдемар ўз қасамёдига содиқ қолди.

...1943 йил 6 июль тоғотари. Бошқа жангчилар қатори В. Шаландин ҳам оёққа турди.

— Душман ҳужум бошлади, — деди босиқ овоз билан катта лейтенант Бочковский. Биз асосий кучларимиз этиб келгунча ганим ҳужумига бардош беришимиз керак.

Жанговар буйруқ берилди. Танкларимиз 245-тепаликка қа- раб ўрмалай бошлади. Яковлево қишлоғи тепалик ортида бўлиб, бу ерни Бочковский яхши биларди. У 4 та машинага катта йўлнинг нарғи томонига, яна тўрттасига эса чап томо- нига мудофаага шайланганини буюрди. Қишлоқнинг релье- фи кўра душман асосий зарбани чап қанотга қаратиши мумкин эди. Командир Шаландин танкини чап томонга қўй- ганлигининг боиси шунда эди.

Ҳавода душман самолётлари пайдо бўлди. Улар совет танкларини писанд қилмагандай учиб ўтиб кетишди. Лекин улардан кейинги самолётлар кўқисдан ажал ўқини ёғдира бош- леди. Кетма-кет снарядлар портлашдан осмон-замин титира- ди. Самолётлар паноҳида душман танклари олға силжий бошлади. Юзтача танк чап қанот томон бостириб келмоқда. Унга яқин фашист танки автоматчи батальони билан бирга тепаликка кўтарила бошлади. Шаландин ва лейтенант Соко- лов икки танки аниқ мўлжалга олишди. Қурилиш портлаш рўй берди. Ҳар иккала танк силкини-силкини таққа тўхтади ва уларнинг устида аланга кўтарилди. Бунчалик кучли қаршили- ки кутмаган фашистлар тепалик энг бағрига чекинишди.

Каттиқ газабланган гитлерчилар ўз авиациясини ёрдамга чақириб, тепаликни бомбардирон қилишни буюрди. Энди тўрт бақодир фашистларнинг ҳам ҳаводан, ҳам ердан қила- ётган ҳужумига дуч келди. Командир ўз экипаж аъзоларини Бессарабовнинг танкига жойлади. Соколовнинг танки манёвр қилиш пайтида чуқурга тушиб қолди. Унга Бессарабов ва Шаландин ёрдамга келишди. Улар зўрга машиналарни ёнига этиб келишган, Бессарабовнинг танкига душман снаряди те- гди. Танк шикастланди. Бунинг устига ўқ-дорни ҳам тугаган. Бочковский Бессарабовга орқага қайтишни буюрди. Танк ичиданга 4 кишининг ҳаёти саклаб қолинди.

Жанг майдонига ёлғиз Вальдемар қолди. Унга ҳам чеки- нишга буйруқ берилди. Лекин у сўнгги радиохабарини эшитма- ди. Душман танклари ва ўзини портлаш тўлирини ма- жаллашда давом этаверди. Бизнинг танкларимиз тепаликка яқинлашганда В. Шаландиннинг машинасига бомба келиб тушди...

Она-Ватан, совет халқи ўз қаҳрамон фарзандлари хотира- сини ҳеч қачон унутмайди. Вальдемар Шаландиннинг барҳа- ёт номи Улуғ Ватан урушининг жанговар солномасига зар- хал мактублар билан битилган. 245-тепаликда қаҳрамоннинг ҳайкали мағрур қад кўтариб турибди. Танкичи офицернинг низоҳи 1943 йил эъзид душман танклари бостириб келган томонга қадагган. Тошкентдаги Вальдемар ўқиган 80 мактаб, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронетанк қўшинла- ри маршали П. С. Рибалко номидаги Ленин орденли Тош- кент олий танк қўмондонлик билим юрти роталаридан бири- га унинг номи берилган ва рўйхатда абадий қолдирилган. Кўплат пионер отрядлари ва «танкичиларнинг ёш дўсти» тў- гараклари аъзолари уларини фخر ва ифтихор билан ша- ландинчиларимиз дейишди. Вальдемар яшаган кезармада рота курсантлари бурчак ташкил этишган. Қаҳрамоннинг ҳаё- ти ва жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар шу ер- да сақланмоқда. Бурчакка унинг қаравоти қўйилган. Қаравот тепасида Вальдемарнинг бюсти турибди. Бюсти ёнига: «Ким- ки, агар у душманга қарши жангда қайғу ва алам билан ҳа- лок бўлди, деса ишонманг. Шаландин тирик, у биз билан бирга хизмат қилолмоқда», деган сўзлар ёзилган.

Ҳа, Вальдемар Шаландин барҳаёт. У мактабдошлари билан ягона сафда.

Тошкент олий танк қўмондонлик билим юртида ҳарбий ҳаёт дорилфунунини ўтган биригина қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилдик. Мактаб курсантлари, айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида қаҳрамонлик кўрсатдилар. Коммунизм ишига, партияга, она-Ватанга чекис садоқат намуналарини намойиш қилдилар. Мактаб курсантларидан 48 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган. Ҳозир кур- сантлар уларнинг жанговар аъзоларининг давом этириб, ҳарбий маҳоратларини кун сайин оширмоқдалар.

М. МИРЗАМУХАМЕДОВА.

ОТАЛАР ОҚ ЙЎЛ ТИЛАШДИ

Утган йилнинг ноябрь ойи- да Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидида «Қизил Шарқ» маҳалласи ахли Со- вет Армияси сафаригада хи- змат қилувчи ёшларни танта- нали равишда кузатиш ма- росимини ўтказган эди. Бун- дай маросимни ўтказиш ан- аъанага айланиб қолди. Ме- хнатқашларнинг халқаро бир- дамлик кунини — 1 Май байра- ми, Улуғ Ғалабанинг 41 йил- лиги байрами арафасида ма- ҳалла клуби яна байрам ту-

сини олди — радиокарнай- лардан куй ва қўшиқлар ян- гиради.

Улуғ Ватан урушида иш- тирок этганлар шарафига ўрнатилган салобатли ҳайкал олдидан Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, ҳар- бий комиссарлар вакиллари, ота-оналар, пионер ва ўқу- вчилар тўпланишди.

Тантанали маросимни за- ласдаги медицина хизмати подполковниги Искандар Раҳ-

монов кириш сўзи билан очиб, район ҳарбий комиссари, полковник А. В. Старушке- вичга сўз берди. Нотиқ ози- болболари жанговар анъана- лари руҳида тарбияланаёт- ган йигитларга Ватан олди- даги хизматларини аъло дара- жада ўташларига ишонч бил- дирди.

Улуғ Ватан уруши қатна- шис, 203-мактаб ўқитувчиси М. Пулатбеков пис- кентлик журналист ва ёзувчи, Улуғ Ватан уруши

қатнашчилари ҳақидаги қат- тор очерк ва китоблар муал- лифи М. Самадов, В. И. Ле- нин номи Тошкент Давлат университети доценти К. На- заров ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшларга оқ йўл ти- лашди.

Улуғ Ватан уруши қат- нашчилари ва армия сафига қақирилувчилар ёдгорлик пойига гуллар қўйишди.

Ғ. МАННОВ.



Қаердасиз, курулдошлар?

Жасур разведкачи

Мен Улуғ Ватан уруши инвазияли Олим Ортиқов уруш йиллари 206-Корсуңд дивизиясининг 286-алоҳида механизациялашган развед- ка ротасида взвод командири ёрдамчиси вазифасини ба- жарганман. Мен билан ди- визия разведкачиси ва ало- қачи бўлиб хизмат қилган Турди Толипов деган дўстим бор эди. У дивизиямизда дон- ги кетган доворак разведка- чилардан бири эди. Майор Мешков билан унинг раҳбар- лигида биз фашистларнинг орқа томонига алоҳида раз- ведка ишларини бажариб, 22 қишлоқни озод қилишда қатнашгандик. У 1922—23 йилларда тузилган ва Тош- кентдан фронтга жўнган эди.

Кривой Рог шаҳрида исти- қомат қилувчи санструктор Ольга Тихонова Успен- скийнинг хабар беришча, Турдининг жароҳатларига маълум қўйиб, госпиталга жўнатган ва у ҳозир Тош- кентда яшаётган экан. Ку- ролдош дўстимиз жасур разведкачи эди. Турди То- липовни дивизия ветеранла- ри Совети қидирмоқда. Т. Толипов ва унинг қариндош- лари ушбу сатрларни ўқиса, қўйидаги адресга хат йў- лашларини сўраймиз:

Ветеранлар Советининг раиси — генерал-майор Ва- лентин Матвеевич Жиров, 325025, Херсон, Петренко кўчаси 87-уй, 169-квартира ёки Совет раисининг ўринбо- сари — Олим Ортиқов, 700042, Тошкент шаҳри, Гусев кўчаси, 7-уй.

Кўчма Қизил байроқ тошкентликларда

ДОСААФнинг Тошкентдаги аэроклуби ҳарбий десант қў- шинларининг кўчма Қизил байроқини олишга сазовор бўл- ди. Аэроклуб бу юксак муко- фотини 1985 йилдаги мусобақа якунларига йўла — ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги катта ташкилотчилик иши, армияга қақирилувчи ёшларни курулди кучлар сафига хизмат қилиш- га яхши тайёрлаганлиги учун қўлга киритди.

Тошкент аэроклуби мамла-

катдаги энг кекса клублардан. Унинг ташкил топганига ярим асрдан ҳам кўпроқ вақт бўл- ди. У минглаб учувчилар ва парашютичларга, юзлаб пла- нерчилар ва авиамодельчиларга парвоз учун йўлланма берган. Бу даргоҳда 124 спорт масте- ри, 14 жаҳон рекордчиси вожа- га етди. Клубда тарбия топ- ган кишилар орасидан ўн на- фар Совет Иттифоқи Қаҳра- ми этишиб чиқди.

Аэроклубда тажрибали му- раббийлар меҳнат қилмоқда-

лар. Спорт мастери А. Бура- ков 4400 марта парашютга сакраган, унинг умр йўлдоши —4 марта жаҳон чемпиони, спорт мастери Т. Буракова эса парашютга 3300 марта сакраган. Спорт мастери В. В. Циплаков, Ю. Ҳамидов, В. Коновалов ва бошқа мураб- бийлар ёшлар билан ўз тажри- баларини баҳам кўрмоқдалар. Тошкент аэроклубининг талаба- лари оосмонни забт этган эканлар, бунда муҳтарам муал- лимларнинг хизмати катта. [Ўзтаг].



«Мен ҳам офицер бўламан.»

А. Мантров фотоси.

ДУНЁ ХАВАРАЛARI

М. Каддафининг айтганлари

▲ ТРИПОЛИ.

Ливия революцияси- нинг раҳбари М. Кад- дафи бу ерда бир груп- па совет журналистлари билан учрашди. Сўхбат чоғида М. Каддафи Ўрта Ер денги- зи жанубидаги воқеалар ҳу- сусида Совет Иттифоқи ту- тган позициядан чуқур маъ- нувий изҳор қилди. КПСС Марказий Комитети Бош се- кретари М. С. Горбачев ўз нутқларида Ливияга ҳужум қилган агрессорини қатъий қоралабгина қолмай, шу би- лан бирга уни жиддий огоҳ- лантирганини ҳам таъкид- лади.

Биз ўртоқ М. С. Горба- чевнинг Ўрта Ер денгизидан СССР билан АҚШ ҳарбий денгиз флотларини олиб чи- қиб кетиш ҳақидаги тақлиф- ларини юксак баҳолаймиз. деди М. Каддафи. Бироқ Америка империалистлари бу амалий тадбирларни рад этдилар. Улар ўзларининг дунёга ҳукмронлик қилиш сиёсати мақсадларига амал қилиб, Ўрта Ер денгизини мамлакатларига, шу жум- ладан, араб давлатларига таъйиқ ўтказишга уриниб, Исроил сионистлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, бу тақлифларни рад этдилар.

Биз бутун дунёни агар Қўшма Штатлар ҳам шундай қилган тақдирда ўз ҳарбий кемаларини Ўрта Ер денги- зидан олиб чиқиб кетишга тайёрлигини маълум қилган Совет Иттифоқининг ташаб- бусларини қўллаб-қувватлаш- га қақирамиз.

Биз, деб давом этди Ли- вия революциясининг раҳба- ри, Ливияга қарши агрессия давомидида АҚШ эҳтимол ту- тилган андал кенг қўлмада- ни операциялар учун НАТО мамлакатлари билан баҳам- жиҳат ҳарбий ҳаракатларни пухталаштирди, деб ҳисоб- лаймиз.

М. Каддафи Ливия АҚШ- нинг 6-флотига ҳамда НАТО- нинг Жанубий Европадаги базаларига зарба уриш им- кониятига эгадирлигини, лекин бундай қилмаганлигини таъ- кидлади. Ливия революцион раҳбарлиги тинчлик иши учун ўз зиммасидаги масъ- улиятини сезирлик билан баҳолаб ҳамда турли давла- лар, халқаро ва жамоат таш- килотларининг даъватларига жавобан ҳарбий ҳаракатлар- ни қучайтиришга йўл қўй- маслинка қарор қилди, ҳар- бий ҳаракатларни қучайти- риш мижозини кенгайтириб юборган бўлур эди, — деди у.

Биз қасос олиш туйғула- рига берилмай, империализм- ни ўзинининг мардона қар- шилигини билан мағлуб қилолмоқчимиз.

Биз ўз еримизни ҳимоя қилиб, айни пайтда дунёдаги барча тараққиёпварлар киши- ларга таҳдид қилаётган им- перализмга қарши кураш- моқдамиз.

Ливия революциясининг раҳбари АҚШ бошчилигида ўтказилаётган ҳозирги НАТО мамлакатлари флотини ҳарбий- денгиз мақшадларининг иво- гарлик руҳида эъналлигини уқтирди. Биз жаҳон жамо- атчилигида ҳамда социали- стик лагердаги дўстларимиз- га мурожаат қилиб, воқеа- ларнинг ривожини диққат билан кузатиб боришга ва ҳушёрлик қўрсатишга қақ- рамиз. Биз империализм ва янги нацизмга қарши кура- шиш учун тинчлик ва озод-

лик идеалларини қадрлайди- ган халқларнинг СССР бош- қилигидаги социалистик мамлакатлар билан иттифоқ дош кенг фронтини барпо этишимиз зарур.

АҚШ билан Буюк Брита- ния БМТ Хафсизлик кенга- шининг доимий аъзолари бўлишга ҳақли эмас — бу органга аъзо бўлиш курул- ли агрессия қилиш эмас, балки тинчлиқни ҳимоя қи- лиш вазифасини юклайди.

М. Каддафи БМТ қарор- қилинган Қўшма Штатлардан Швейцарияга дарҳол қўчи- rib кетилишини тақлиф қилди.

Биз бундан буён ҳам Аме- рика империализмга қар- шат билан қаршилик қўра- таверамиз, деб таъкидлади Ливия раҳбари. Ўшамани эслаб қўрайлик. Вьетнамлик- ларнинг қаҳрамонона қар- шилиги, уларнинг Америка империализмга қарши ку- раши арқисав халқни ен- гиб бўлмаслигини бутун дунёга қўрсатди. Америка- нинг агрессияси давом этти- рилаётган бўлса, Ливия АҚШ учун иккинчи Вьет- нам бўлиб қолиши мумкин. Вашингтон ўтмишдан сабоқ чиқариб олиши лозим.

М. Каддафи Америка авиациясининг ҳужуми вақ- тида Ливия қурулди кучла- рининг қандай ҳаракат қи- лганини тўғрисидаги саволга жавоб қайтарди, бундай де- ди: америкаликлар энамахи- рияга қарши агрессия бош- лаганларида тўсатдан ҳужум қилишга умид болганган эди- лар. Лекин уларнинг режа- лари барбод бўлди. Ливия қўшинлари ҳушёрлик қўр- сатиб да душманин шиддат- ли ўт оғиб қутиб олди. Аме- рика учувчиларининг белги- ланган объектларга этиб бо- ришларига имкон бермади.

Америка авиацияси Ли- виянинг тинч шаҳарлари ва посёлаларини бомбардирон қилгандан кейин, деди пи- ровардида М. Каддафи, Рейган- ни болаларнинг қотили деб атамоқдалар. У мана шун- дай номга яраша иш тутди. АҚШ президенти Фаластин проблемаси адолатли ҳал этилишига, Африка жа- нуби ва Шимолий Ир- ландиядаги вазиятни нор- маллаштиришга қарши чиқ- моқда, у босиб олинган араб ерлариди Исроил ўтказ- ётган терроризм сиёсатини қўллаб-қувватламоқда.

Рейган ўз ҳаракатлари би- лан халқларни зуравонлик қилишга мажбур этмоқда. ўзи эса ана шу халқларга қарши давлат терроризми сиёсатини ўтказмоқда.

Америка ҳарбийларининг ҳеч қандай иттигариликлар бизни империализмга қарши курашдан, арабларни про- грессив негизда бирлашти- риш учун курашдан, ўз адо- латли ишлари учун жанг қи- лаётган халқларни қўллаб- қувватлашдан воз кечишга мажбур эта олмайди, — деб таъкидлади Ливия револю- циясининг раҳбари.

М. Каддафи Америка аг- рессиясининг қатъий қоралаб Америка империализмининг ҳақиқий ишларини фонт- этиб ташлаган ҳамда жаҳон жамоатчилигининг диққат эътиборини АҚШнинг Ли- вияга нисбатан ўтказётган қароқчилик сиёсатига жалб этган совет оммавий аҳо- рот воситаларига Ливия хал- қи номидан миннатдорчилик билдирди.

НАФРОСАТ ГУЛШАНИ

«Мен фидо қилдим ўзимни шу азиз тупроқ учун»

Шоирнинг ушбу сўзларини унинг бутун ижодида сарлаҳқа қилиб олиш мумкин. Чинди ҳам Собир Абдулла «Хур Ватанини тоза тану жон ила севди» борлигини, иккидори ва талантини шу Ватанини улуг'лашга, ҳамюртларининг бутун совет кишиларининг Ватани, социалистик тузум, коммунистик идеалларга меҳр-муҳаббатини, эътиқодини ифодалашга сафарбар этди. Шоир гуруҳ билан «Урганиб халқ тилини, одамни, куйладим бахтини, содатини» деган эди. Собир Абдулла халқимиз юрагига шўх ва кўтаришни қўшқилари, теран ва назокатли, мусиқий ва сурурли ғазаллари орқали кириб бори ва мустаҳкам ўрин олди. Унинг 30-йилларда яратган «Оқ олтин товларин чўлларимизда», «Уйғон болам», «Ёшнинг, ёшнинг, менинг хур ёш-лигим» қўшқилари эл озгидан тушмаган эди. Собир Абдулла қаламаш дўстлари Ҳабибий, Чархийлар билан бирга ҳозирги замон ўзбек ғазалчилигини жонлантирган ва янги босқичга олиб чиққан уста ғазалхон шоир эди. Бу фазили билан ўзбек классик шеърини билан замонавийни бир-бирига боғлади: ғазал жанрида социалистик турмушимизнинг гузаллигини, янги замон курган халқимизнинг мардона ва кўтаринки қалбини куйлади.

Собир Абдулланнинг дўсти ва адабиётимизнинг улкан алломаси Гафур Ғулом арузчи шоиримиз талантини юксак баҳолаб бундай деган эди:

«Айниқса арузда ёзмоқ шоирдан катта маҳорат талаб қилади. Яна шунинг аниқлаб олиш керакики, бизнинг шеърлардаги аруз араб арузи эмас, «арузий туркий»дир. Собир Муқимий, Фуркатларнинг давомчилиги сифатида арузнинг бутун назокатини, техникасини эгаллаб олган забардаст шоирдир».

Собир Абдулла каби фидойилар ғазал имкониятини намойиш қилиб, уни даврий мизининг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, фалсафий масалалари ва совет кишининг хилма-хил кечималарини, дара-армонларини ифодалашга хизмат эттирмаганда эҳтимол, ёш авлодимиз классик шеърининг анъаналарига ҳозиргидек катта ҳурмат, эҳтиром билан қарамаган бўлурмиди! Ахир ҳаёт, инсон учун ғазал ҳам, муҳаммас ҳам, гимн ва одам ҳам, жанговар публицистик шеър ҳам, роман ва ҳикоя ҳам керак. Ҳар бир жанрнинг ўз ўрни бор, ҳаммаси инсонга асқотди. Собир Абдулла «Девон» яратган экан, Ҳабибийлар «Девон» тузган экан, демак маънавий эҳтиёжимиз буни тақозо қилган. Собир Абдулланнинг ғазалларида совет халқи босиб ўтган катта тарихий даврининг муҳри ётади. Улуг' Ватан уруши йиллари шоир «Ватанин севмаси ким жону тан билан, номард», деди кескин ва «Қўтаришгани оламни зотим, ўғрилар ғавғосидан», деб ҳайқирди. Унинг умрининг охирида ёган ғазалларида эса инсоннинг руҳий поклиги, маънавий юксаклиги улуғланди: устоз Навоийнинг «Ҳаёсида вафо йўл, вафосини ҳаё йўл» деган доно сўзлари руҳида «Йобосини кўр» муҳаммасини ёзди: «Кимники ҳаёси бўлур, ундайро вафо ҳаёси» деди.

Дарвоқе Собир Абдулла Навоий, Муқимий, Фуркат ва бошқа устозлар мактабидан кўп баҳраманд бўлди. Айни чоқда у халқ ижоди ҳам севиб ўрганди. Ана шу икки чашма шоирнинг шеърининг инсонпарварлик йўналиши ва халқчил шаклини белгилаб берди.

Собир Абдулланнинг адабиётимизга қўшган яна бир улуси сатирлик ва юмористик шеъринингиз бодига аққол кўрилади. Собир Абдулла гоит камтар ва камсуқум бўлса-да, ҳазил-мутойибага ўч одам эди. У Гафур Ғулом каби ҳамкасблари даврасидаги мушоралар, аския айтишларида зукюлиги билан эътибор қозонар эди. Собир Абдулла «Янги Фарғона» газетасидаги «Чингиз» деган сатирлик бўлимида ишлаган, кейин «Муштур» журналинда узоқ вақт хизмат қилган, Муқимий ва Закирий ижодларини чуқур мутолаа қилган (икки шоиримиз тўғрисида баъдий асар ёзишни ният қилган, Муқимий тўғрисидагина рўёбога чиқоқари олди). «Гафур Ғулом ва атекачи ҳикоялари» деган оригинал китоб, оригинал жанрнинг муаллифи ҳам Собир Абдулла-дир. У ўзининг жулда кўп ва ҳўб ҳажвий шеърларида ҳаётимиздаги ва баъзи одамлар онгидан йиллатилган каттиқ танқид қилди. Иллатни шунчаки тилга олган билан китобхонда унга нафрат уйғотиб бўлмайди. Ҳукувчини ўша иллат устидан кўлдир билдиш, нафратлантира, жикрантира

билиш керак. Бунинг учун ижодкор ўша иллатни қабарик ойнада-лунада қабартириб кўрсатиш, ўша одамнинг кўлгили характерини чизиш, уни кулгили ҳолатларга солиши керак. Собир Абдулла кўпгина шеърларида шунга эришди. Партиямиз бизнинг ҳаётимиздаги иллатларни таг-томири билан юлиб ташлаётган ҳозирги пайтда Собир Абдулланнинг ҳажакчиликдаги аънасини ривожлантириш зарурияти туғилмоқда.

Собир Абдулланнинг классик шеърининг теран билиши, халқ ижодида катта муҳаббатини уни музикали драма соҳасидаги талантининг ярқираб кўринишига олиб келди. У Тоҳир ва Зухро», «Алпомиш», «Гул ва Наврўз» каби музикали драмалар ёзди. «Тоҳир ва Зухро» асари ёзувчининг на эмас, балки бутун ўзбек адабиёти, совет санъатига шўхрат олиб келди. Чунки шу асар асосида яратилган «Тоҳир ва Зухро» кинофильми (Сценарийсини С. Абдулла ва Спеневлар ёзган) жаҳон экранига чиқди. «Тоҳир ва Зухро» драмаси халқ орасида шу қадар шўхрат топтики, ундаги қўшқилар концерт номерларида, радио программаларида, тўй-йигиларда доим айтилиб келди. Тоҳир, Зухро исмларини одамлар ўз фарзандларига қўйиб келмоқдалар. Асардаги «Эй қўш», «Ўлмишам», «Сув келар ахта-ахта», «Аюрганлар», «Деримдан» каби ариалар халқ қўшқиларига айланиб кетди. Собир Абдулла асарда севги ва садоқатни жулда катта меҳр билан тасвирлайдики, адабий жамоатчилик «Тоҳир ва Зухро» драмасини Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта»сига ўхшатади.

Асар ўзининг юксак инсонпарварлик ва адолатпарварлик руҳи билан социалистик тузумимизни улуғлайди. Собир Абдуллага 1944 йилдаёқ «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонининг берилишида энг аввало шу асар эътиборга олинган эди.

Собир Абдулла устози Ҳамзанинг бевосита ёрдами ва унинг асарлари таъсирида «Мухбирга ҳужум», «Узун қулоқ азиз» каби комедиялар ҳам ёзди. Улуг' Ватан уруши йиллари Н. Погодин, Ҳ. Олимжон, Ўйғунлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» музикали драмасини ёзишда иштирок этди. Унинг «Алпомиш», «Гул ва Наврўз» музикали драмалари республика сахналарида кўйилди. Собир Абдулла айниқса Муқимий образини яратишга ўз хиссасини қўшди. Унинг «Муқимий» драмаси ва «Мавлоно Муқимий» романи ўзбек демократ шоирининг руҳий оламиди, у яшаган даврдаги халқ аҳволини ва халқнинг ўша зolim тузумдан қаттиқ норозилигини акс эттириб берди.

Собир Абдулла драмаларида эпик кенглик ва психологик чуқурлик ёрқин сезилди. Гап улардаги иштирон этувчиларнинг қўлиги, воқеа ва сюжет чизилиши йирик, сартармоқлигида эмас, балки драматург ўз диққатини халқнинг ижтимоий аҳволини, жамиятининг маънавий ҳолатини, даврининг ижтимоий эҳтиёжини кўрсатишга қаратади. Бу драмасида ва романда тарихий шахсларни, тарихий воқеаларни ўз гоийий ниятини ифодалашга муваффақиятлик хизмат этира олди. Нумуладан, Фуркат, Закирий образлари Улуг' Октябрь олдидидаги Туркистонда уйғонган эркин фикр, адолатлаш руҳини, илгор ва инқилобий руҳдаги Россияга интилиш туйғусини ифодалаш имконини беради.

Собир Абдулла жулда меҳнаткаш ижодкор эди. У йигирмага яқин пьеса қолдирди. Ҳамзанинг «Майсарнинг иши» комедиясининг опера варианты — либреттосини яратишга катта хиссасини қўшди. «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасида унинг улуси бор, йигирмадан ортиқ шеърини драмалар, насрий асарлар тўпламлари босилиб чиқди, тўрт жилдан иборат «Асарлари» нашр этилди. У «Хурмат белгиси» ордени, қатор медаллар билан тақдирланди. Унга Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти ва «Ўзбекистон ССР халқ шоири» унвонлари берилди. Буларнинг ҳаммаси Собир Абдулланнинг адабиётимиз ва маданиятимиз ривожини хиссасининг халқ ва партияимиз томонидан тан олинини, қадрланишини, Шоирнинг қўшқилари ҳофизларимиз репертуридан тушулмайди, пьесалари театрларимизда ўйналиб турибди. «Тоҳир ва Зухро» фильмининг янги-янгидан авлодлар томоша қилмоқда. Мана шунинг ўзи шоирнинг боқийлиги демакдир.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
профессор.

Адибнинг шахсий архивидан

Собир Абдулланнинг шахсий архивидан «Янги шеърлар» деб биринчи саҳифага ёзиб қўйилган папка сақланмоқда. Папканинг устига «Баҳористон» деб машинкада ёзилган.

Папка ичиде шеърлар, лавҳалар, «Ўтган кунларим, кутган кунларим» номли якуланмай қолган романидан парча ва адиблар, ёзувчилар, санъаткорлар ҳақида хотирлар бор.

Собир Абдулла ўзининг 70 йиллик юбилеинга қизгин тайёргарлик кўрмоқда эди. Чамаси «Баҳористон» тўп-ламини ана шу санага тухфа қилмоқчи бўлган бўлса керак.

Шоирнинг шахсий архивиде республикамиз ва иттифоқимиздаги шоир ва ёзувчилар, адиб ва таржимонлар, студент ва содлатлардан келган хат-хабарлар ҳам талаят.

Собир Абдулла қўқонлик Ўзбекистон халқ шоири Асқарали Чархий билан узоқ йиллик дўстлик алоқаларини боғлаб келар эди. Собир Абдулла вафотидан сўнг Чархий менга Собир Абдул-

ла ижоди билан шуғуллангани босиб бўлса керак:—Сиз Собир Абдулланнинг 4 томлигини нашрга тайёрлаб улуг' иш қилибсиз. Бизни бирга тушган расминиз ҳам босилишти, раҳмат. Менда Собир ақанинг ёзган мактублари сақланмоқда. Бизнинг ёзини, мадларимиз фақат салом-аликдан иборат бўлган эмас. Биз мактублар орқали фикрлашар, мунозаралар қилар эдик. Баъзи мунозараларимиз ҳам хат орқали бўлар эди. Шу мактубларини мендан, менинг Собир акага ёзганларимни Яшиндан (Собир Абдулланнинг ўғли—М. А.) олиб қўсангиз,—дедилар.

Тошкентта жунаш вақти бўлиб қолганлиги тугайли Чархий уларига боролмадим. Бу ниятимни Қўқон адабиёт музейининг директори Иброҳимжон Бекмуродова айтди.

Ҳозирги кунда Қўқон адабиёт музейи фондида Собир Абдулланнинг Чархийга ёзган талай мактублари сақланмоқда. Ана шу мактублардан бири тўлалигича эълон қилинмоқда.

Чархийга мактуб

Тошкентда бирданига қор қалин тушиб, совуқ 27 градусга етиб, кўча асфалтларини ойнак этиб, эҳтиёт бўлиб, маганлар чалқанчасига келиб, тез бораётган машиналарни четга иргитиб, йўлни эплаганларда эплаб-непиб, камини унда ўтириб, қорозлар титиб, гоҳ саранжомго гоҳ тўзғитиб, гоҳ пьеса, гоҳ ғазаллар битиб десангиз, кўчага чиқишга қўрққанамдан чилда ўтирганман, кечалари оз-оз мизгиб олиб, тонг отар ёзу-чизу билан банд бўлачака тинч, ўзим ҳаётдан хурсанд, замон илтифотидан баҳраманд, узоқ-яқиндаги сиздек қадрдонларга кел пайвандиликда кунларни кеч, кечларни тонг қилмоқдадим. Бу кеча ёзиб ўтириб, Муқимийнинг «Най манча Афғон айламас» ғазали ёдимга

тушиб, қолган бандлари ёдимда йўн, шу «Найманча Афғон»ни ушлаб олиб, нега унга назари ёволамас эканман деган мудданийлик билан тонг отганини сезмай қолдим.

Афсуски, Қўқон атраф қишлоқларининг кўп номлари, ни фаромуш қилган эканман, билганимча эплаган бўлдим.

Эндиги умид сиздан. Бунинг ташлаб қўймасдан, қишлоқларини ҳар сатрга сиққанча жойлаб, муҳаммас боғланг, бу жулда яхши эсдалик бўлиб қолади деган умиддаман.

Ҳазалдан икки нусха юбордим. Бир нусхасини Аҳмад-жонга ҳада қилинг. Қаюм-жон билан эрмак қилишиб, ўқишадилар.

Биздан келинчи бошлиқ қизларга, Алишера, катта-кичик набира-набираларга, кўпдан-кўп салом. Энди аввал баҳорда бораман. Унга мактуб орқали робота узилайми туради деган оруз-даман...

Соғу-саломатлик, оёсайиш-талиқ ва муваффақиятлар тилаб:

Собир АБДУЛЛА
11 январь, 1969 йил.

С о б и р
Абдулланнинг
80 йиллигига

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР



Собир АБДУЛЛА,
Ўзбекистон ССР халқ шоири

Байрам муборак бўлсин

Биз учун ҳаддан оша ҳур-матли, ҳар қимматдан қим-матли, сўзлари айнул маон, ўзлари ҳикматга кон, яъни меҳрибон-Мулла Асқарали акамизга.

Янги йил қувончга тўла янги дил билан, доим хурам, доим ғолиб эл билан муборак бўлсин!

Ҳаволар иснгунча доим печка ўчмасин, совуқсўз бирор киши шу совуқда кучмасин, гонорар эшик қоқса, асло кўнгли чўкмасин, қозонда зигир ёғи, қўшқилар айтиб доғи, доим ёзиқ дастурхон, шеърдан баҳраманд меҳмон, қўлдан ҳеч тушмай хома, гоҳ кулгун хангома, дўстлардан келиб нома, соғлигингиз сўрашиб, Қўқондаги аҳобблар атрафингиз ўрашиб, гоҳо ҳо-ҳо қот докторлар, шифо берсин курашиб, йўлингиз бўлсин равон, учрамай гову-даво, музалар эриб, гул бўлсин, ҳасадгўй-қўролмаслар гиеҳ унмас чўл бўлсин, оз ўтиб бекорчилик, ширин сатр мўл бўлсин, сўзлаган ҳар сўзингиз барчага мақбул бўлсин!

Самимий ҳурмат билан:
Собир АБДУЛЛА.
29 декабрь, 1970 йил.

ЎЙНАТУР

Кўрмаса ҳам қўзғатар, кўрса юракни ўйнатур, Боқса бир йилга киноф, кўлса умримга татур. Бир кўриш шавқиде тонг туннинг яқсини этса чоқ, Ул қўйилиш номи, шабнамдан фалакни йиғлатур. Сегилми ҳуснини тўлган оғи нисбат бермангиз, Ҳеч вақт ширмон билан тенг бўлмағай кўнган патир. Ким қилур иссиқ ситоран ила юлдузларини тенг, Бу ўн танҳо, у кўп сайёра қўлда чим-чатур. Кокили бўйини ҳўшбўй гулга ўхшатмоқ хато, Ўтса ёрим қўчадан, ухлоқ қўлгулун ўйотур. Сайри тулшан этса гоҳо сегилми бир-бир босиб, Ростлик даъвосида ул сарвага ўй-ўйлатур. Қўйласа гар соз олиб қўлга чаманда сарангоз, Андалибни қолдириб хайратла, харён бўйлатур. Собир, ерининг монанди жаҳонда бўлмағай. Чунки, таиҳликда таиҳликни ақли кўрсатур.



ШИРИН *

Ҳаёт лаззати будирки жисми жон ширин, Кишики тинч, татир унга бурда нон ширин. Кишики турмушни аччиқ; асал ширин татимас, Оғиз чучурми демакдан «фалон-фалон ширин». Ҳамза ширин ичиде яхши сўзининг таъми бўлак, Шакар лабиде эмас гап, эса забон ширин. Асалга минг ари қўйсин, қолар асалчиликка. Қаламширинга қориништар асал: қачон ширин. Қўйрга ин, тиламас андалиб чаман ичра, Туналар бисоти тикандир: шу ошён ширин. Бола-чақа вафодор хотин, шу урзгор, Биронинг миннатидан чет, қаро қазон ширин. Кўнгли яқин кишлар жам бўлиб, қилиб суҳбат, Елик кинода мазмун, ҳазил ноҳон ширин. На йўлда Хисрвани париз, на ишда шум ағёр, Висол базини яқиндир, қўлиб қувон Ширин. Ҳазали дўст илқ қўйса, сен заҳар деб бил, Ҳаққий дўст берав бўлса устухон: ширин. Шу давр лаззати шу: ҳаммада мурод ҳосил, Ўлид нахли туғиб, кўрсатур нишон ширин. Шарафид меҳнат ила коморон эрур умрин, Қалам тудайли ҳаётини ҳамон-ҳамон ширин. Тасаддури бўлайми ҳар замон қўзғалитинг Ширин ғазал тўқи Собир, замини — замон ширин. 28. 12. 57.

* Биринчи марта эълон қилинмоқда.

Муқимий ғазалига татаббу



Шу сабаб бирпан муқим кўз ёшим ўди Бешариқ
Кечалар тонг отгунча Найманча Афғон айланмас.

МУҚИМИЙ

Заҳри хажри уй Қу, қанд-ла меҳмон айламас, Яхши, шахидан сўрағар лаҳза нихон айламас. Оҳким: кўйида туналар дийдаур Қайнар бўлог, Васл ила бу байтл эҳсоним чарогон айламас. Нола қилсам боғ аро, ҳолимга Боғ дод айлағай. Қуйдириб, Ўлтар мани, бир дутфи эҳсон айламас, Зағф олур ул бағри тошим иқб элини Рошдидон, Шухий доно қилиминин ҳеч қайси нодон айламас. Мен дейя фан бўлганин жабуру ситам, дилдорга, Бу нечук фандирки, мушкул ишини осон айламас? Сўзла Нур суку ҳасад билан қилиб, ағёр аро, Менга етган таънани инсонга инсон айламас. Бўлди чор-но Чор чаманининг сайри дилиннг хоҳиши Еридан айру, киши сайри гулистон айламас. Жўралар айшу-тароға кирди, фасли Навбахор. Ерур Тоғлик шудирми, бирга жавлон айламас. Қўз йўлидан оқди, эвоҳ ким, жигар ганжик равон, Ҳеч мақбўб ошғинини мунча гирён айламас. Ҳеч ким меңдек рақибига Тамашо бўлмасун, Сир ёйилмас, бўлса ёр ҳўшёр, дoston айламас. Бевафо бир нозанинга Собир, бердинг қўнғил, Бу каби журъатни зинҳор, бир Собиржон айламас.

Материалларни филология фанлари кандидати
Малоҳат АБДУРАХМОНОВА тайёрлаган.

Янгиликлар. Воқеалар. Хушхабарлар

Қизлар конкурси

Конкурснинг асосий шартлари бўлусин ҳамшираларнинг билими, тажрибаси ва уйда рўзгор юмушларини қандай бажаришни синовдан ўтказиш эди. Чақалоқ йўр-гақлиши қизлар жулда чиройли бажарилиди. Кейинги шарт — салат тайёрлаш. Конкурс қатнашчилари Л. Абдуллаева, Д. Ҳошимова, Д. Қорабоева, Ш. Доуссенова-лар ўзлари тайёрлаган салатларини жюри аъзолари ҳў-мига ҳавола этишди. Студент Д. Қорабоева тайёрлаган салат барчага манзур бўлди.

Биринчи медицина ёрдами кўрсатиш бўйича лат еган суякларни боғлаш ҳам ўзига хос маҳорат талаб қилади. Қизлар бу ишни моҳирона бажариб кўрсатишди. Эркин темада қизлар ижро этган қўшиқ, интермедия ва ниспе-нировкалардан парчалар жюри аъзоларига ҳам, томоша-бинларга ҳам манзур бўлди.

Урта Осиё медицина педиатрия институтини қўшдаги медицина билим юрти ташкил топганига хали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо бу ерда бундай қизқарли кеча ва маросимлар тез-тез ўтказиб турилади.

Д. СУЛТОНОВА.

Методик тавсиялар

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашда ўқув предметларининг тугган ўрни катта. Физика курсини ўтиш жара-ёнида ҳам бошлар ижтимоий фойдали касб-хунарларни эгаллашга ўргатиб борилади. Бу илмий-амалий педагогик ишни ташкил этишнинг ўзига хос усул ва методлари бор. Албатта, Меҳнат таълимининг бу каби усулларидан қандай фойдаланиш йўллари юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар ақинда чоғ этилган методик қўлланмада ўз ифодасини топти. Педагогика фанлари доктори Э. Чор-ен билан илмий ҳодим Ю. Маҳмудов томонидан ёзилган мақбур китобда мақбур физика предметини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг политехник билимини кенгайтириш, уларни илмий-техника тараққиёти ва халқ ҳўжалиги со-ҳаларининг асосий йўналишлари билан таништириш бў-йича ҳам методик маслаҳатлар берилган.

Меҳнат таълими ва физика ўқитувчиларига мўлжал-ланган ушбу қўлланма Т. Н. Қўри-Нийёзи номли Ўзе-бекистон педагогика фанлари илмий текшириш институти томонидан босмага тайёрланди.

А. АЛИЕВ.

Адиблар билан учрашув

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети жур-налистика факультетиде ўзбек совет адабиётининг йи-рик намоишдалари—Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўз-бекистон ССР халқ шоири Уйғун, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Тур-роб Тўла, Ўзбекистон Ленин комсомолы мукофоти лау-реати шоир Муҳаммад Али ҳамда таниқли олим, фило-логия фанлари доктори Ҳафиз Абдусаматовлар билан қи-зиқарли учрашув бўлди.

Ҳурматли ва таниқли адибларимиз студентларга КПСС XXV Ўзбекистон совет кишилари, шу жумладан ижодкор-лар олдида қўйган вазифалар ҳақида тағириб бердилар, ижодий режалари билан ўртоқлашдилар, янги асарлари-дан ўқиб бердилар.

М. ХОЛМАТОВА,

ТошДУ студенти.

Янги телепостановка



Инсоннинг ҳаёт кечирishi учун нималар зарур! Албатта, бу ўринда кўп нарсаларни санаб ташлаш мумкин. Лекин жулда кўпчиликнинг яшаш тарзидан келиб чиқиб шунинг айтиш мум-кинки, хотиржам, том маънода инсоний ҳаёт кечирishi учун унчалик кўп нарсаси керак эмас.

Афсуски, ораимизда ана шу оддий ҳақиқатни тушунмайдиган ё билса ҳам ундан кўз юмишга ҳаракат қилмайдиганлар уч-раб туради. Улар ҳаёт маъносини пораҳўрликда, мансабпа-растликда, юлчиликда, давлат ва халқ мулкига кўз олайти-ришда кўрадилар. Телевизион экранга намойиш этилган ёш ёзувчи Исроил Тўхтаевнинг «Қабрдаги ҳазина» асари асосида тайёрланган телепостановкада ана шундай одамнинг қилиш-лари фоти этилади. Трест бошлиғи Саид Каримович иллатла-рининг энг ёмон оқибати шундики, у фақат ўзининг хабаро қилмайдиган. Бу макор одамнинг қилишлари бошқа яхши хо-недонларнинг бузилишига, тулпа-тузук кишиларнинг пок йўл-дан токишга олиб боради. Саид Каримович кингир «фасоля-тини» шундай усталик билан амалга оширадиган, унинг тузо-тини кишилардан сезмай қоладилар. Бу образнинг бутун му-ракамчилигини томошабинга етказишда боғ маҳоратини мишга солган Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамид Гафуров-нинг ижроси алоҳида эътирофга лойиқ.

Саид Каримович [Ҳ. Гафуров] характерини очишда Қур-бон ака, Ойдин опа, уларнинг қиз Дилором ва кўеви Фе-руз, Далавоҳ каби персонажларнинг ўз ўрни бор.

Спектаклнинг асосий мақсади поклик ва нопоклик ўртаси-даги маънавий курашни кўрсатишдир. Бу курашда журна-лид илгит Ферузининг [Сиддик Саноев] роли катта. У фақат-гина бир шахсга эмас, умуман, жамиятимизга ёт иллатларга қарши курашда...



СУРАТЛАРДА: телепостановкадан кўринишлар.
Э. Муҳамедов фотолари.

Нутқ корректору

«Яхшилаб тағиринг» — врачларнинг логопедов (дуду-лик) билан ҳастахонадан беморларга тавсияларидан бири ана шундай. Шифокорлар аниқлашларига, касаллик са-баби — миёда нутқ сигналлари қайта ишланишининг из-дан чиқишини. Дудуқланаётган киши талаффуз этаётган говушлар, унинг нутқини назорат қилувчи асаб марказла-ри соғлом кишига нисбатан сустроқ қабул қилади. Агар бемор шошмай сўзласа, нутқ яхшиланади.

Муҳими мақбур киши учун нутқнинг энг мақбул маро-мини ташлаш, «Электрон» Марказий илмий-текшириш институти мутахассислари яратган «АИР—2» янги при-борлари асосида олиб борилад клиник тажрибалар кўр-сати


Ўсимликлар
оламида

Ғаройиб «даррахт»


Япониядаги «ЭКСПО — 85» Халқаро кўргазмасида ғаройиб экспонат намоиш этилди. У «Томат даррахти» деб ном олган. У аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда илғор технологияни амалга оширишга қаратилган. «Даррахт» гидропоникада ўсиб, махсус аралашма билан озиқланади, ўсимлик ўсишига зарарли таъсирлардан тозаланган кўш нур орқали ёритилади. Буларни баргсимон компьютер бошқаради. Даррахт ўтган йили октябрда ўтказилган эди, ҳозирдаёқ икки мингтадан ортиқ ҳосил берди. Ундан ҳаммаси бўлиб, 12 мингга яқин помидор донаси олишга ишбончлари қомил.

Африка ўсимлиги
мўъжизаси

Ғарбий Африка мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатнинг турли соҳалари учун ҳар тарафлама қулай хом ашё — мойли даррахт ҳисобланади. Унинг меvasини хомлигида истеъмол қилиш мумкин, уруғидан эса кондитер саноатида юқори сифатли ўсимлик мойи олинади. Уруғини қоплаган қийин эрувчи ёр доридармонлар тайёрлашда фойдаланилади. Шунингдек, махсус пластмассалар ишланади, япроқларидан чидамли қора бўёқ олинади. Мойли даррахтнинг афзаллиги яна шундаки, у ортиқча парвариш талаб этмайди.



Юнусобод массивининг 1-кварталида 1 Май байрами арафасида бунёд этилган бу қувноқ шаҳарча фарзандларимизга завоқ бағишлайди. Болалар бу ерда космик кемалар шаклида



М. Нуриддинов фотолари.

Келинг,

бир қулишайлик

Эҳтиёткорлик

Ота Маринусдан сўради:
— Нима учун кучлигини бошлаб қўйдим?
— Учиб кетмасин деб.

Мактабда биринчи кун

— Маринус, сенга мактаб ёқдики?
— Жуда ҳам. Лекин, биласизми, ойимси, кўп вақт бекор, танлашларнинг орасидан дарсларга сарф бўлар экан.

Онаси хафа бўлди

Онаси хафа бўлиб Тотодан сўради:
— Тото, географиядан икки баҳони нима учун олганингни тўшунтириб бера оласанми?

— Ойикон, мен Америка қиъасини топиб беришим керак эди. Аммо ҳамма ҳам Колумб бўла олмайдик.

Топқирлик

Эрта билан турган Тотонинг мактабга боргиси йўқ эди.

— Ўғлим, мактабга борма-санг, унда ўқишни ҳам, санашни ҳам билмайсан.

— Лекин, мен 10 гача санашни билманми. Бу эса бокс бўйича судья бўлиш учун етарли.

Француз тилидан
Н. ТУЙЧИЕВ таржимаси.

Опера студиясининг премьераси

Ҳамза номли Тошкент давлат музыка билим юрти сахнасида кўрсатилган «Юзма-юз» спектаклининг жанри «опера-мунозара» деб белгиланди. Спектаклдаги асосий ролларни бу ерда ташкил этилган опера студиясининг қатнашчилари ижро этмоқдалар. Композитор Н. Зокиров ахлоқий проблемаларни кўтариб чиққан қирғиз ёзувчиси М. Вайжиевнинг ана шу номдаги пьесасини сахнага олиб чиқди. Либретто автори шоира Э. Охунвадир.

(ЎзТАГ мухбири).

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Тошкент Давлат маданият институтида шахримиздаги янги санъат коллективи Сатире театри актёрлари билан учрашув бўлди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Х. Саъдиев, Г. Саъдуллаева, Л. Саъдуллаева ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шухрат Расулов ва бошқалар иштирок этдилар.

Қўшма

протокол

имзоланди

Тошкентда «Интер химволокно» халқаро хўжалик бирлашмаси кенгашининг 24-мажлиси ўз ишнини якунлади. Уч кун мобайнида бирлашма аъзолари бўлган Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия хўжалик ташкилотларининг вакиллари социалистик мамлакатларда химиявий тола ишлаб чиқаришни кооперациялаштириш долзарб муаммоларини муҳокама қилдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан томонлар қўшма протокол имзоладилар.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИНИНГ
43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚЎШИМЧА

Ўқувчилар қабул қилади

Ўрта маълумотли йигит-қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади.

Қурилиш бўёқчиси, сувоқчиси, қурилиш дурадгори, пайвандловчи, электр пайвандловчи, темир-бетон конструкторларининг монтажчиси, ёкиш терувчи.

Ўқилиш даври МЕХНАТ СТАЖИГА ҚЎШИВ ҲИСОВЛАНАДИ.

Маъгулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқувчиларга ҳар ойда 30-45 сўм стипендия берилади. Шунингдек улар ишлаб чиқариш практикаси даврида топан меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида спорт секциялари ва бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги ишлайди.

Аълочи ўқувчилар учун «В» ва «С» категорияли автомобиль ҳайдовчисини тайёрлайдиган олти ойлик курслар ташкил этилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, 3х4 см ҳажмидаги 4 донна фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий бўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИНИНГ
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

ип йиғувчилар, тикувчилар, калава ўривчилар, ип пишувчилар, тикув ва йиғув машиналари бўйича мастер ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, слесарь-ремонтчилар, бўёқчилар.

Ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ЁШ ВА УНДАН КАТТА БУЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР, СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ТУГАТГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 3 йиллик муддатга қабул қилинганлар кийим-кечак, 3 маҳал оғдат ва иш кийими билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент маош берилади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади ва корхона қўшимча 40 сўм тўлайди.

ОБЛАСТДАН КЕЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқилиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта ва олий ўқув юртига кириб ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ПУЛЛИК АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДАШ КУРСЛАРИ МАВЖУД.

Билим юртида спорт базаси ва ҳар хил тўғараклар ишлайди. ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисида справка, турар жойидан справка, 6 донна 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, ариза, таржимаи ҳоли.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5 «б» (379, 45-автобуслар: 26-трамвай; 11, 30-маршрутлик таксининг «Қўйлиқ» — 5 «б» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ»
ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ
18-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти йиғувчи-слесарлар, кенг профилдаги станокчилар, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг соловчилари, электр-газ пайвандчилар, ОТК контроллерларини тайёрлаб чиқаради.

Ўқиш муддати — 3 йил.
ТОҚАРЛАР, ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР.
Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Уч йил муддат билан таълим олаётган ўқувчиларга билим юртини битириб эгаллаган касби ва тўла ўрта маълумот ол-

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ
КООПЕРАТИВ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўқишга қабул қилади

Ўқувчилар ўқиш давомида ОШПАЗЛИК, ТАЙЁРЛОВЧИЛИК, СОТУВЧИЛИК, КОНТРОЛЕР-КАССИРЛИК, КОНДИТЕРЛИК ИХТИСОСЛАРИДАН БИРИНИ ЭГАЛЛАЙДИЛАР.



Ошпазлар, контролер-кассирлар, сотувчилар тайёрлайдиган бўлимида ўқиш муддати — бир йил, тайёрловчи бўлимида бир йилу 5 ой, кондитер бўлимида эса 2 йил; тайёрловчилар тайёрлаш бўлимида ўқувчиларга бир йўла ҳайдовчилик касби ҳам ўргатилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар област матлубот союзи ва қишлоқ матлубот бўлими йўлланмаси бўйича қабул қилинадилар ва ўзaro суҳбатдан ўтадилар.

Билим юртига 17 дан 27 ёшгача бўлган 7-10 синф ҳажмида маълумотли ёшлар қабул қилинадилар.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 25 АПРЕЛДАН 27 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига танлаган ихтисоси кўрсатиб ёзилган ариза, аттестат (асли) ва аттестат нусхаси, медицина справкиси (286-формали), 6 та фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси (меҳнат стажига эга бўлганлар учун) нинг нусхаси, област матлубот союзи, район матлубот союзининг ўқишга берган йўлланмаси, турар жойидан справка.

Тузилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатирилганлиги ҳақидаги гувоҳнома — ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 32 сўм, тайёрловчилар тайёрлаш бўлимига қабул қилинганлар эса ойига 70 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Фақат қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида вокал, бадий, миллий чолгу асбоблари, бичиш ва тикши тўғараклари ишлайди.

Ўқувчилар ўқишни битирганларидан кейин уларни III разрядли ошпаз, IV разрядли кондитер, озиқ-овқат моллари сотувчиси, озиқ-овқат моллари контроллерлар-кассир, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини берадиган ҳужжат билан тайёрловчи ихтисосликлар берилади.

Билим юртининг адреси: 700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210-«а» уй 16-автобус (вокзалдан қатнайди), 98-автобус (Олов бозоридан қатнайди) «Касб касаликларини институти» бекати.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИ
ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

СИЗЛАРНИ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ БИЛАН БИРГА ПОЙТАХТИНИНГ БОШ МАЙДОНИ — ЛЕНИН НОМИ МАЙДОНГА ТАҚЛИФ ҚИЛАМИЗ!

БИРИНЧИ МАЙ БАЙРАМИ ОҚШОМИДА БУ ЕРДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ САЙЛИ ВА БАЙРАМ МУШАКВОЗЛИГИ БУЛАДИ.

1-2, 4 ВА 9 МАЙ КУНЛАРИ САВДО ЯРМАРКАСИ ИШЛАЙДИ.

Ярмарка шу кунлари эрталаб соат 10.00 дан 22.00 гача ишлайди.

3, 5, 6, 7, 8 МАЙ КУНЛАРИ ЭСА СОАТ 17.00 ДАН 22.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Ярмаркада сиз болаларингизга шарлар, байроқчалар, сувенирлар, байрам соғат термалари сотиб олиб бериасиз. Бундан ташқари шарбатлар, музқаймоқлар, яхна ичимликлар сотувга қўйилади.

1 МАЙ КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 7.00 ДА

ШАҲАР КЎЧАЛАРИ ВА МАЙДОНЛАРИДА КОНДИТЕР НЕЪМАТЛАРИ, ШАРБАТЛАР, ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР, МУЗҚАЙМОҚЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

Биллур идишлар

жилваси

БИЛЛҮР ИДИШЛАР ЎЗИНИНГ НАФИСЛИГИ БИЛАН БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА ФАЙЗ ҚИРИТАДИ.

Маросимда меҳмонларга кўтаринки руҳ бахш этади. Фрунзе савдо марказига марҳамат қилсангиз, биллурдан ишланган конфетдонлар, мевалар, гуллар учун вазалар, лаганлар, қадаҳлар, стаканлар, рюмкалар сотиб оласиз.



БУ БИЛЛҮР ИДИШЛАР МАМЛАКАТИМИЗ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНГАН.
ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/IV да Борис Годунов. 30/IV да Олаининг яратилиши. ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IV да Ревизор. 30/IV да Ўғрини қароқчи урди. МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/IV да Ёшликда берган кўнгли. 30/IV да Ўзланган торлар. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/IV да Отасининг қизи.

КИНО

28 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БИЗ АЙБАЛЛИМИЗ» — Санъат саройи (16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-34, 44-21-44).

«СУДЬЯ ИВАНОВАНИНГ ШАХСИЙ ИШИ» — Чайка (17, 19, 20.45; телефон 77-06-20), Нукус (тоқ соатларда), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 33-05-01), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (17, 19, 20.30; телефон 53-65-87).

«ОДЕССА ЖАСОРАТИ» — Ватан (18, 21.00; телефон 74-30-38), Восток (16, 18.30, 21.00; телефон 91-16-61), ВЛКСМ 30 йиллиги (17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ВАЛЕНТИН ВА ВАЛЕНТИНА» — Тинчлик (17, 19, 20.45; телефон 58-36-06).

«МЕТРОДА УЧРАШАМИЗ» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

29 АПРЕЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БИЗ АЙБАЛЛИМИЗ» — Санъат саройи (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-34, 44-21-44).

«СУДЬЯ ИВАНОВАНИНГ ШАХСИЙ ИШИ» — Чайка (11, 13, 15, 17, 19, 20.45; телефон 77-06-20), Нукус (тоқ соатларда), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да, телефон 33-05-01), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13, 15, 17, 19, 20.30; телефон 53-65-87).

«ОДЕССА ЖАСОРАТИ» — Ватан (12.15, 18, 21.00; телефон 74-30-38), Восток (13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-16-61), ВЛКСМ 30 йиллиги (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«ВАЛЕНТИН ВА ВАЛЕНТИНА» — Тинчлик (13, 15, 17, 19, 20.45; телефон 58-36-06).

«МЕТРОДА УЧРАШАМИЗ» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта «Москва муз устида цирки коллективининг томошалари (28/IV да 19.30 да, 29/IV да 15, 19.30 да).

М. Қориевнинг номидаги

Ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССР ХАЛҚЛАР ҲУСЛИГИ САРОИДА

3-4 май соат 20.00 да

Бутуниттифоқ профессионал бадий коллективлар кўригиконкурс дипломанти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-КОРЕОГРАФИ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Феруза СОЛИХОВА.

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Гулнимат СОБИРОВ, Муаззам ҒОФУРОВА, Илғиза ЗАРИПОВА, Карима ҚҰЛДОШЕВА.

Ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамбли

Программани Маъмура АБДУРАҲМОНОВА олиб боради.

«Лазги» ансамблининг бадий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Зухра ҒИЕВОВА.

Музыка раҳбари — Нурилла ЖУМЕЗОВ.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективни бирлашмадан кенсаси ҳодими, штем-пель, ўймакорлик цехи бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Абдуҳамид ОХУНОВНИНГ

вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини коллективни немис тили фониетикаси кафедрасининг ўқитувчиси Э. С. Муталлибовга отаси

Солх МУТАЛЛИБОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини коллективни немис